Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 23 май шанба

Сотувда эркин нархда
№ 103 (1884)

Ўзбекистон Республикасининг

Қ О Н У Н И

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Гаров тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 17-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда, № 9, 193-модда; 1997 йил, № 4-5, 128-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

(Ушбу Қонуннинг янги таҳрири газетанинг 2-ва 3-саҳифаларида берилмоқда).

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАН

11-12 май кунлари Вашингтонда ҳар йили ўтказиладиган Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг конференцияси бўлиб ўтди

Америка-Ўзбекистон савдо палатаси 1993 йилда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон иқтисодига Америка сармоясини жалб қилиш мақсадида тузилган эди. Бугунги кунга келиб ушбу палата мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёки Ўзбекистонга қизиқиш билан қараётган 63 та Америка компаниялари ва хусусий ташкилотларини, шунингдек, етакчи ўзбек корхоналари ва иқтисодий идораларини бирлаштиради. Америка-Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари қаторига «Боинг», «Уайт энд Кейс», «Кока-кола», «Катерпиллер», «Каргилл», «Дир энд Компани», «Энрон», «Экксон», «Тексако», «Юнокал», «Шелл», «Донавант», «Юнайтед Текнолоджиз», «Ньюмонт Майнинг», «Америкен Интернэшнл Групп», «Мэйер, Браун энд Плэтт» каби жаҳон бозорида тан олинган компаниялар киради.

Конференциянинг бош мақсади — АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётига Америка сармояларини кириб келишини оширишдан иборат. Анжуман ишида АҚШнинг барча минтақаларидан 150 дан ортиқ компаниялар вакиллари иштирок этдилар. Шуниси эътиборлики, қатнашчиларнинг аксариятини Ўзбекистонда айни вақтда ишлаётган фирмаларнинг вакиллари эмас, балки мамлакатимизда фаолият бошлашга энди шайланаётган Америка ишбилармон доиралари вакиллари ташкил этди.

Икки давлат Президентлари И. Каримов ва Б. Клинтон анжуман иштирокчиларига табрик йўлладилар.

Ҳурматли Америка-Ўзбекистон савдо палатаси конференцияси иштирокчилари. Сизларга табрик билан мурожаат қилиш ҳамда фаол ва самарали ишлаш истагини билдиришдан бағоят мамнунман.

Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг таъсис этилганига шу йил беш йил тўлади.

Нисбатан қисқа давр ичида палата томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва инвестиция учун яратилган муҳитини Америка йирик бизнеси даврасида намойиш этиш каби катта ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон бугунги кунда «Ньюмонт Майнинг», «Энрон», «Ныокем», «Каргилл», «Боинг», «Донавант», «Уайт энд Кейс» ва бошқа америкалик ишбилармонлари каби ишончли ва дунёга машҳур ҳамкорларига ва шерик америкалик компанияларга эга бўлди.

Америка бизнесининг етакчилари билан ҳамкорлик нафақат сиёсий муносабатларда, балки Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги сиёсий, маданий, фан ва техника муносабатларида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳозирда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги сифат босқичига ўтмоқда. Бунга сиёсий, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-АҚШ Қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси замин яратди. Ушбу воқеани ҳақиқатан ҳам америка-ўзбек муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг яна бир тарихий даври бўлди дейиш мумкин.

Республика иқтисодига сармоялар киритилиши учун қулай шароитлар яратиш, Ўзбекистон бозорида ўз бизнесини амалга ошириш ниятида бўлганларнинг барчасига сиёсий, молиявий ва иқтисодий кафолатлар беришни таъминловчи қонуний асосни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон мунтазам иш олиб бормоқда. Шу муносабат билан жорий йилнинг 30 апрель куни республика парламенти томонидан «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эллик инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» қонунларнинг қабул қилиниши белгиланган мақсадларга эришиш йўлида қўйилган яна бир қадамдир.

Шуни таъкидламоқчиманки, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси, унинг Ўзбекистон иқтисодига сармоядор шерикларни жалб этиш борасидаги кўпқиррали фаолияти шахсан ўзим томонидан ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан доим қўллаб-қувватлаб турилади.

Ҳурматли америкалик дўстлар, конференциянинг муваффақиятли ўтишига ўзимнинг самимий тилакларимни билдираман.

Ўзбек шерикларингиз билан узоқ, самарали ҳамкорлик қилишда Сизларга муваффақиятлар тилайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мен ҳар йили ўтказиладиган Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг конференцияси иштирокчиларини Вашингтон тупроғида самимий қутлайман. Ушбу воқеа мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд яқин амалий алоқаларнинг бундан буёнги ривожланишига ажойиб имконият яратади.

Қўшма Штатлар бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимизни юксак баҳолайди. Унинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлаш — 1991 йилдан буёнги сиёсатимизнинг асосини ташкил этади. Биз яқинда — шу йилнинг февраль ойида Вашингтонда ўзининг биринчи сессиясини ўтказган АҚШ-Ўзбекистон Қўшма комиссияси иши давомида шундай муносабатлар тарафдори эканлигимизни яна бир карра тасдиқладик. Биз демократияни ва бозор ислоҳотларини жадаллаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражасини ошириш, Америка бизнеси учун янги имкониятларни топиш, шунингдек, ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш борасида биргаликда иш олиб бориш ниятидамиз.

Ҳар йили ўтказиладиган Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг конференцияси Ўзбекистоннинг тижорий имкониятларини ва ҳар икки мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этиш мақсадида ишбилармонлар, ҳукуматлар ва бошқа етакчилар учун муҳим анжуман ҳисобланади. Қўшма Штатлар савдо-иқтисодий муносабатларимизни ҳамкорликнинг янги босқичига кўтариш учун кўмаклашишга тайёр.

Конференция иши баракали бўлишини тилайман.

БИЛЛ КЛИНТОН
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ҲИМОЛАЙДАН ХУШХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ЭВЕРЕСТГА ҚАДАЛДИ

Апрель ойи бошида Ўзбекистон альпинистлари дунёнинг энг юқори чўққиси — ер сатҳидан 8848 метр юксакликдаги Эверестни забт этиш учун жўнаб кетишган эди.

Бугун альпинистларимиздан қувончли хабар келди. 22 май куни Ҳимолай вақти билан соат 16.30 да альпинистларимиздан Рустам Ражабов биринчи бўлиб Эверест чўққисига кўтарилди ва Ўзбекистон давлат байроғини қадади.

Шу муносабат билан альпинистларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига радиограмма йўллашди. Унда «Бу ғалабамизни жонажон Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаймиз, Ватанимиз шон-шуҳрати учун янгидан-янги олам-шумул ютуқларни эгаллашга тайёрмиз», дея хабар қилинади.

Бошқа альпинистларимиз ҳам Эверест чўққисини забт этишни бошлашди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

ЮТУҚЛАР КЎП, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ БОР

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси Н. Исмоилов олиб борди. Йиғилишда Қашқадарё вилоятидаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссияларнинг фаолияти тўғрисидаги масала кўрилди. Йиғилишда таъкидланганидек, маъмурий комиссиялар ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамоат мулкини муҳофаза қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бирмунча ишларни бажарганлар.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, прокуратура идоралари қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб, уларни содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширганлар.

Юқорида амалга оширилган тадбирлар вилоятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, маъмурий комиссияларнинг самарали фаолиятини таъминлашда, ҳуқуқбузарларни муқаррар равишда жазо олишларини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Натижада, маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонини бирмунча камайишига эришилган.

Шу билан бирга вилоятда маъмурий комиссияларнинг ишини ташкил этиш ва улар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Туман марказидан олисдаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузиладиган маъмурий комиссиялар томонидан ўтказган ортиқ турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқилиши қонунда кўзда тутилган бўлсада, қатор қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар ўтган йил давомида бирорта ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрмаганлар. Баъзи комиссиялар фаолиятида ноқонуний қарорлар қабул қилиш, маъмурий ишларни кўриб чиқиш муддатларини ўтказиб юбориш, ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилган жарималарни тўла ундирмаслик, ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий зарарларни қоплаш чораларини кўрмаслик ҳолатлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда ушбу масала муҳокамасида қатнашганлар маъмурий комиссиялар фаолиятини жонлантириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, қонун ҳужжатлари билан таъминлаш, прокуратура назоратини маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши кучайтириш тўғрисида айтиб ўтдилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг қабул қилган қарорида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ўз ҳудудларида давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни кучайтириш, туманлар марказидан олисда бўлган ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида маъмурий комиссияларни тузиш чораларини кўриш, маъмурий комиссиялар раисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорликда ўқув машғулотлари ўтказиб туриш тавсия этилди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудларида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиш, маъмурий комиссиялар фаолиятида ҳуқуқбузарларга қонунда белгиланган чораларни қўллаш билан бир вақтда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарарни тўлиқ ундиришни таъминлаш ва қарорлар ижросини таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар фаолияти устидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар фаолияти ташкилий жиҳатларини белгилаб берувчи Низомни ишлаб чиқиши ва жойларга етказиши, оммавий ахборот воситалари эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилган тадбирларини, айниқса, улар қошидаги маъмурий комиссиялар фаолиятини ёритишга эътиборни қаратиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Қўмита йиғилишида Олий Мажлис раисининг ўринбосари Б. Бугров қатнашди.

АҚШнинг МДҲ давлатлари бўйича сиёсатини мувофиқлаштирувчи С.Сестанович, АҚШ ҳукуматининг МДҲ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича вакили Я.Калицки ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчиси С.Сафоев анжуман иштирокчиларига мурожаат этдилар. «Ўзбекистон ва Марказий Осиё АҚШ ташқи сиёсатида: Ипак йўли стратегияси» номли машҳур ташаббус муаллифи, сенатор С.Браунбэк ўз мурожаатини йиғилганларга йўллади.

Кенгайтирилган йиғилишда «Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳолати, мамлакат иқтисодий ривожининг режалари ва истиқболлари» мавзуидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишевнинг маърузаси тингланди. АҚШ Эксимбанки президенти Ж. Хэрмон ва АҚШ Савдо ва ривожланиш агентлиги директори Ж.Гранд Мэйсонларнинг маърузалари Ўзбекистонда АҚШнинг ҳукумат муассасалари кўмагида амалга оширилаётган сармоя дастурларини кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Сўзга чиққан нотиқлар бой табиий ресурслар, юқори малакали ишчи кучлари билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ҳамкорликда лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун яратилган муҳим ҳуқуқий пойдеворга эга Ўзбекистоннинг улкан сармоя салоҳиятини таъкидлаб ўтдилар. Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришда пасайишга йўл қўйилмагани, саноат инфратузилмасида ўсишга эришилгани алоҳида таъкидланди.

Кенгайтирилган мажлисдан сўнг анжуман иштирокчилари ўн битта секцияга бўлиниб, Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор жиҳатлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган шароитлар ва уларга бериладиган кафолатлар тўғрисида зарур маълумотларни олиш имконига эга бўлдилар. Секция мажлисларига хорижий сармоядорлар учун яратилган қонуний имкониятлар, банк секторларида олиб борилаётган ислоҳотлар, фонд бозорини ривожлантириш, тоғ-кон секторида ҳамкорликни кенгайтириш, энергетика комплексига сармоялар киритиш имкониятлари, ҳарбий конверсия соҳасидаги ҳамкорлик, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг имкониятлари, Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилиш борасидаги ҳамкорлик, мамлакатимиздаги Американи нг ноҳукумат ташкилотлари фаолиятлари мавзуидаги масалалар киритилди.

Америка-Ўзбекистон савдо палатаси конференциясининг иши доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари айрим учрашув ва музокаралар ўтказдилар, етакчи Америка компанияларининг қароргоҳларида бўлдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ҒАЛЛА ЎРИМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК ЗАРУР

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғаллани нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олиш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, машина-трактор парклари раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.

Таъкидландики, бу йил республикамиз далаларида 1 миллион 312 минг гектар майдонда ғалла пишиб етилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мавсумда суғорилади ган майдонларнинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан дон йиғиштириб олиш мумкин. Бу эса ялпи хирмонни 4 миллион тоннага етказиш имконини беради.

Энди ҳамма иш ўрим-йиғимга тайёргарликни тез кунларда тўла тугаллаш, зарур барча техника ва транспорт воситаларини ишга шай ҳолга келтириш, бу борадаги ишларни юксак ташкилотчилик ва уюшқоқлик билан йўлга қўйишга боғлиқдир. Мақсад — мавжуд 18500 транспорт воситалари, шу жумладан, 7293 ғалла комбайнидан унумли фойдаланиб, ўрим-йиғимни 20 иш кунида тугаллашга эришишдан иборатдир.

Кенгашда техниканинг мавсумга нечоғлик шайлиги республика комиссияси томонидан текширилганида, бу борада талай камчилик ва нуқсонлар борлиги аниқланган таъкидланди. Жумладан, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида барча техника воситалари тўла таъмирдан чиқарилмаган. Кўпгина жойларда техника таъмирланди, деб сохта маълумот берилган. Хусусан, Сайҳунобод туманида мавсумга тайёр, деб комиссияга тақдим этилган комбайнларнинг ярми техник носоз эканлиги аниқланган. Шунингдек, дон ташиш, ҳосилни саралаш агрегатларини мавсумга ҳозирлаш, уларни керакли жиҳозлар билан таминлаш ишлари суръатини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Кенгашда "Ўзқишҳўжтаъминоттаъмир" давлат кооператив қўмитаси раиси Б. Олимжонов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И. Бобожонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиевнинг, шунингдек, мавсумга тайёргарликда камчилик ва сусткашликка йўл қўйётган вилоят, туман мутасадди раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада барча даражадаги мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Кенгашда, шунингдек, ғўза парваришини жадаллаштириш, табиий хашак жамғариш ва беданинг биринчи ўримини сифатли якунлаш, такрорий экинлар экиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

ПИЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

Учқўприк тумани пиллакорлари қабул пунктларига 200 тонна ўрнига 210 тонна юқори нав «кумуш тола» топшириб, йиллик режани ошириб бажардилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 70 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинди.

Эришилган ютуққа, айниқса, Охунбобоев номли, «Истиқбол», «Наврўз», Ҳамза номли, Отажонов номли ширкатлар уюшмаларининг пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Одинахон Иброҳимова, Жамилахон Пўлатова, Мўътабархон Деҳқонова, Маматқул Ҳайитов бошлиқ ўнлаб звеноларда эса ҳосилдорлик 80-120 килограммни ташкил этди.

Ўтган йили туманда бу борадаги давлат буюртмаси уддаланмаган эди. Мустақилликнинг 7 йиллиги нишонланадиган йилда эса мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани, ипак қуртини парваришлашда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилингани туфайли ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилади. Режани бажариш учун атиги 2996 қути қурт уруғидан териб олинган пилла кифоя қилгани шундан далолат беради. Ҳали 1004 қутининг ҳосили турибди. Демак, яна камида 50 тонна пилла тайёрланади.

И.ҲОТАМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНГФУРУШЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Давлат комиссияси раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддалар устидан назорат қилиш миллий ахборот-таҳлилий марказининг директори, Давлат комиссияси раисининг ўринбосари К. Боймуродов бу соҳадаги вазият ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон давлат тузилмаларининг фаолияти ҳақида ахборот берди.

Ҳозирги пайтда дунёда гиёҳвандлик ва бангфурушликка қарши кураш жуда ўткир муаммо бўлиб қолаётгани қайд этилди. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтган йилнинг ўзидагина 3308 килограмм наркотик моддаларни мусодара қилди. Шунга қарамай, гиёҳвандлар кўпайиши тамойили кўзга ташланмоқда. Бу аҳвол мазкур заҳри қотилга қарши курашда қатъий ҳаракат қилиш ва барча воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бошқарув органлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ва бошқа муассасаларнинг вакиллари бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилдилар.

Давлат комиссияси Миллий хавфсизлик хизмати, божхона, ички ишлар органлари ходимлари Ўзбекистон ҳудудига наркотик воситалар ва уларни тайёрлаш учун керак бўладиган дориларни қонунга хилоф равишда олиб келиш ҳолларининг олдини олаётганини таъкидлади. Бундан буён мамлакат ичкарисида наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши шошилинч чоралар кўриш, таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни йўқ қилиб ташлаш, қонунбузарларни қаттиқ жазолаш, ажал уруғи келадиган барча йўлларни беркитиб ташлаш бўйича "Қорадори-98" операциясини самарали ўтказиш зарур.

Айни пайтда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, минтақалардаги бошқарув органлари кенг жамоатчилик билан биргаликда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни аниқлаш, уларни даволаш учун шароит яратиш, мактаблар, билим юртлари, техникумларда, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши лозим.

Мажлисда наркотик воситалар, психотроп ва заҳарли моддалар ҳамда наркотик моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган воситаларни мамлакатга қонуний тарзда олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисидаги муваққат низом лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

ГАРОВ ТЎҒРИСИДА

(Янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Гаров тушунчаси

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор (гаровга қўювчи) гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига ҳақли бўлади, қонунда белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин. Мажбурият пул бирликларида (миллий валютада ёки чет эл валютасида) ифодаланган бўлиши лозим.

2-модда. Гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Гаров билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида гаров билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Гаровнинг вужудга келиш асослари

Гаров шартнома ёки қонунларга кўра вужудга келади.

Гаровнинг вужудга келишини назарда тутувчи қонунда қандай мажбуриятга кўра ва айнан қайси мол-мулк гаровда турган деб эътироф этилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

4-модда. Гаров турлари

Гаров закалат, ипотека, шунингдек ҳуқуқ гарови тарзида амал қилиши мумкин.

5-модда. Гаров нарсаси

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида вужудга келадиган гаровга нисбатан эса қонунда гаровга қўювчи келгусида қўлга киритадиган ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гарови назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг нарсаларини ва таркибий самарасини ҳам ўз ичига олади. Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган самара, маҳсулот ва даромадларга нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда татбиқ этилади.

Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулкини гаровга қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ман этилиши ёки чекланиши мумкин.

6-модда. Гаров билан таъминланадиган талаблар

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаров талабнинг амалда қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди.

Гаров келгусида пайдо бўлувчи талабларга нисбатан ҳам, башарти томонлар бундай талабларнинг гаров билан таъминланиш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, белгиланиши мумкин.

7-модда. Бир нечта шахсга биргаликда қарашли бўлган мол-мулк ёки ҳуқуқлар гарови

Биргаликдаги умумий мулк бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг розилиги билан гаровга берилиши мумкин.

Бир нечта шахсга биргаликда қарашли бўлган ҳуқуқ унинг барча эгалари розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин.

Мулкдорнинг умумий улушли мулкдаги ўз улушини гаровга қўйиши қолган мулкдорларнинг розилик беришини талаб қилмайди.

8-модда. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи

Юридик ёки жисмоний шахслар гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи бўлишлари мумкин.

Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Ашёнинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин, гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

Мол-мулк тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан бириктиб қўйилган корхона, шу мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган органнинг розилиги билан умуман корхонанинг, мулкий мажмуалар сифатида унинг тузилмалари ва бўлинмаларининг, шунингдек алоҳида бинолар ва иншоотларнинг гаровини амалга оширади.

Ўзига бириктиб қўйилган мол-мулкни бевосита идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса (ташкилот) ўзига рухсат этилган хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига орттирилган ашёлар ёки ҳуқуқларни гаровга беришга ҳақлидир.

Мулк ҳуқуқининг кейинчалик бошқа мулкдорга ўтиши тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви остидаги мол-мулк гаровига дахл қилмайди.

Ижарачи ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ижарага берувчининг розилигисиз ўзининг ижарага оид ҳуқуқларини гаровга ўтказишга ҳақлидир.

Бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга оид муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан айни бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда айни бир хил мажбуриятларга эга бўладилар.

9-модда. Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса — у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар шартномага ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ гаров нарсаси гаровга олувчида туриши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар гаров нарсаси шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтда вужудга келади.

Гаров нарсаси бўлган мол-мулк қонунда белгиланган асосда ва тартибда мажбурий олиб қўйилган ҳолларда, агар бунинг эвазига гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилган бўлса, гаров ҳуқуқи шу мол-мулкка нисбатан татбиқ этилади.

Мол-мулк қисқа муддатли (олти ойга қадар) кредитга сотилган тақдирда, гаров ҳуқуқи сотиб олувчи ва мол-мулк савдосининг ана шу турини амалга ошириш ўз фаолияти доирасига кирадиган сотувчи ўртасида шартнома тузилган пайтдан вужудга келади.

10-модда. Гаров тўғрисидаги шартноманинг мазмуни

Гаров тўғрисидаги шартномада томонларнинг номи, жойлашган манзили (яшаш жойи), гаров тури, гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати, гаровга қўйилган мол-мулкнинг рўйхати, шунингдек томонларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши зарур. Унда гаровга қўйилган мол-мулк томонларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

11-модда. Гаров тўғрисидаги шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг қоидаларига риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

12-модда. Гаров нарсасини суғурта қилиш

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб:

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, борди-ю мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаши;

2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш учун, шу жумладан уни учинчи шахсларнинг тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши;

3) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи томонни дарҳол огоҳлантириши шарт.

Шартнома ёки қонун ҳужжатлари билан гаровга қўювчи зиммасига давлат бошқарув органлари томонидан унинг хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўювчи ёхуд унга халақит берувчи ёки унга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва ҳужжатлар қабул қилиниши (мол-мулкни мусодара, реквизиция қилиш), шунингдек тугатилиши ёки хўжалик субъекти тўлов қобилиятини йўқотган деб эътироф этилиши ҳолларида суғурта қилиш мажбурияти юкланиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулк суғурта қилинганда гаров билан таъминланган мажбурият суммасидан ортиқ бўлмаган суммада суғурта товонини олувчи—гаровга олувчи ҳисобланади. Гаровга қўювчи суғурта товонининг қолган суммасини олади.

Суғурта ҳоллари содир бўлганда гаровга олувчи ўз талаблари суғурта товони суммасидан имтиёзли қондирилиши ҳуқуқига эга бўлади.

13-модда. Гаров нарсасини алмаштириш ва тиклаш

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

14-модда. Гаров нарсасининг тасодифан нобуд бўлиш хавфи

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

15-модда. Навбатдаги гаров

Гаровда турган мол-мулкни гаровга қўювчи томонидан бошқа шахсга (гаровга олувчига) бошқа талабларни бажариш учун бериш навбатдаги гаров ҳисобланади.

Агар гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда навбатдаги гаров тақиқлаб қўйилган бўлмаса, навбатдаги гаровга йўл қўйилади.

Навбатдаги гаровга олувчининг талаби бу мол-мулкнинг қийматидан аввалги гаровга олувчиларнинг талабларидан кейин қаноатлантирилади.

Гаровга қўювчи гаровга олувчиларнинг ҳар бирига мазкур мол-мулкнинг барча мавжуд гаровлари тўғрисида, шунингдек бу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг миқдори ҳақида маълум қилиши шарт ва ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

16-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтганида гаровнинг сақланиши

Гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик юритиш ҳуқуқи мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд ҳар томонлама ҳуқуқий ворислик тартибида гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар гаровга олувчи билан келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, гаровга қўювчининг ҳуқуқий вориси гаровга қўювчининг ўрнига ўтади ва унинг ҳамма мажбуриятларини бажаради.

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси бўлган мол-мулки ҳуқуқий ворислик тартибида бир неча шахсга ўтган бўлса, ҳуқуқий ворисларнинг (мол-мулкни олувчиларнинг) ҳар бири гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармасликнинг гаровдан келиб чиқадиган оқибатларига мазкур мол-мулкнинг ўзига ўтган қисмига мутаносиб равишда жавоб беради. Агар гаров нарсаси бўлинмаса ёки бошқа асосларга кўра ҳуқуқий ворисларнинг умумий мулки бўлиб қолса, улар солидар гаровга қўювчиларга айланадилар.

17-модда. Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш

Гаровга олувчи талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш йўли билан кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Гаровга олувчининг гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши, агар гаров билан таъминланган асосий мажбурият бўйича қарздордан талаб қилиш ҳуқуқидан ҳам ўша шахс фойдасига воз кечилган бўлса,ҳақиқий бўлади.

Агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечишни ҳам англатади.

18-модда. Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиш

Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан, агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришга розилик берган бўлмаса, гаров бекор бўлади.

19-модда. Гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ундирувни гаров нарсасига қаратиш;

гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш;

гаровга қўйилган мол-мулк йўқолганлиги ва шикастланганлиги учун у кимнинг фойдасига суғурта қилинганидан қатъи назар, агар йўқолиш ёки шикастланиш гаровга олувчи жавоб берадиган сабабларга кўра содир бўлмаган бўлса, ўша асосларга суғурта товонидан қаноатланиш олиш;

давлат бошқарув органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гаровга олувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш хусусида судда даъво қўзғатиш ва ҳужжатлар чиқариш натижасида етказилган зарар қопланишини тегишли органлардан талаб қилиш;

гаровга қўювчининг гаров нарсасига мулк ҳуқуқи ушбу Қонунга мувофиқ тугатилган тақдирда, ўз талабини гаровга қўювчига берилиши лозим бўлган суммадан имтиёзли қаноатлантириш;

қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмини бажарган тақдирда, гаровдаги барча мол-мулк учун ҳуқуқини сақлаб қолиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилиш ёки ундирувни гаров нарсасига қаратиш;

гаровга қўювчи ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

Закалат қўйилганда, гаровга олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари қуйидагиларга ҳақли;

ўзига берилган гаров нарсасидан шартномада назарда тутилган ҳоллардагина, гаровга қўювчига фойдаланишга доир мунтазам ҳисобот тақдим этган ҳолда фойдаланиш;

ашёни мажбурият тўлиқ бажарилгунга қадар ушлаб туриш;

гаровдаги мол-мулкни ўзганинг ноқонуний эгалигидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгалигидан талаб қилиб олиш.

Гаровдаги мол-мулкни гаровга қўювчида қолдирган ҳолдаги гаровда, ипотекада, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, гаровга олувчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров нарсасининг ҳужжатлар бўйича амалда мавжудлигини, миқдори, ҳолати ва сақланиш шароитини текшириш;

ушбу Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилишини гаровга қўювчидан талаб қилиш;

гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан қилинаётган, унинг йўқотилиши ёки шикастланиши хавфини туғдираётган тажовузлар тўхтатилишини, улар ким томонидан содир этилаётганидан қатъи назар, талаб қилиш;

гаровга қўювчи гаров нарсасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бузган тақдирда, гаров нарсасини ўз ҳисобидан, аммо гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб, суғурта харажатларини ундан ундириб олган ҳолда суғурта қилиш.

Муомаладаги товарлар гаровида, ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, гаровга қўювчи гаров шартларини бузган тақдирда, гаровга олувчи бу шарт бузилиш тузатилгунга қадар гаровдаги товарларга ўз белгилари ва муҳрларини босиш орқали муомаладаги товарлар билан операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли.

Мулкий ҳуқуқлар гаровида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари гаровга олувчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошланишидан қатъи назар, агар гаровга қўювчи ушбу Қонунда назарда тутилган мажбуриятларни бузган бўлса, гаровдаги ҳуқуқнинг ўзига ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш;

гаровга қўйилган ҳуқуқ тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиган суд ишига учинчи шахс сифатида қўшилиш;

ушбу Қонунда назарда тутилган мажбуриятларни гаровга қўювчи бузган тақдирда, гаровга қўйилган ҳуқуқни учинчи шахслар бузишидан ҳимоя қилиш учун мустақил чоралар кўриш;

гаровга қўювчи навбатдаги гаров тўғрисидаги қоидаларни бузган ва у ушбу Қонунда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган ҳолларда, гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилиш, агар унинг талаби қондирилмаса, ундирувни гаров нарсасига қаратиш.

Гаров нарсаси томонлардан қайси бирида (гаровга олувчида ёки гаровга қўювчида)турган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи ушбу Қонун 26-моддасининг тўртинчи қисми, 28-моддасининг бешинчи қисми ва 29-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

20-модда. Гаровга олувчининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши;

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши туфайли гаров бекор бўлганда ёхуд мажбуриятлар ўзи томонидан гаровдаги мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини туғдирадиган тарзда қўпол бузилганда гаровга қўювчининг талабига биноан гаровдаги мол-мулкни гаровга қўювчига зудлик билан қайтариб бериши;

ўз айби бўлган тақдирда, гаров нарсаси тўлиқ ёки қисман йўқолгани ёки шикастлангани туфайли етказилган зарарни гаровга қўювчига ушбу Қонуннинг 34-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган миқдорда қоплаши шарт.

Шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровга олувчи:

асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчи манфаатларини кўзлаб гаров нарсасидан самара ва даромадлар чиқариб олиши;

гаровга қўювчи ҳисобидан гаровга эгалик қилиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар тўлаши шарт.

Қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажарган тақдирда, гаровга олувчи гаров тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи органга реестрга тегишли ўзгартишларни киритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Гаровга олувчи кўрсатилган талабни бузгани тақдирда, гаровга қўювчи ундан бу мажбуриятни бажармаслик туфайли ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилишга ҳақли.

21-модда. Гаровга қўювчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров билан таъминланган мажбуриятни ушбу Қонунда белгиланган тартибда муддатидан олдин бажариш;

гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини алмаштириш;

ушбу Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда гаров нарсасини оқилона муддатда тиклаш ва уни бошқа тенг қимматли мол-мулкка алмаштириш;

ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган гаров нарсаси сотилгунга ёки гаровга қўйилган мулкий ҳуқуқлар реализация қилингунга қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг бажарилиши кечиктирилган қисмини бажариб, уларга ундирувни қаратишни тўхтатиш;

гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни гаровга олувчининг розилиги билан бошқа шахсга ўтказиш;

ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятлар гаровга олувчи томонидан қўпол бузилган тақдирда, гаровнинг муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилиш.

Закалат қўйилганда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, гаровга қўювчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров нарсаси йўқолганлиги ёки шикастланганлиги туфайли етказилган зарар қопланишини гаровга олувчидан талаб қилиш;

гаров нарсаси йўқолганлиги ёки шикастланганлиги туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги гаровга олувчига нисбатан талабларни гаров билан таъминланган мажбуриятни узиш ҳисобига ўтказиш.

Гаровдаги мол-мулкни гаровга қўювчида қолдирган ҳолдаги гаровда, ипотекада, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, гаровга қўювчи қуйидагиларга ҳақли:

гаров нарсасидан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш, шу жумладан ундан самара ва даромадлар чиқариб олиш;

гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга бериш, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этиш.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган келишув ҳақиқий эмас.

Муомаладаги товарлар гаровида ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, гаровга қўювчи товарнинг умумий қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан камаймаслиги шарти билан гаровга қўйилган товарнинг таркиби ва асл шаклини ўзгартиришга ҳақли.

Мулкий ҳуқуқлар гаровида гаровга қўювчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

22-модда. Гаровга қўювчининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи:

ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг барча мавжуд гаровлари тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши;

гаровга олувчида гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилиш ва ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш ҳуқуқи вужудга келганида гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириши шарт.

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдирилган ҳолдаги гаровда, ипотекада ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятлардан ташқари, гаровга қўювчи ушбу Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган талабларни бажариши шарт.

Муомаладаги товарлар гаровида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган мажбуриятлардан ташқари, гаровга қўювчи гаровдаги товар бўйича операцияларнинг алоҳида ҳисоб-китобини юритишга ҳақли.

Мулкий ҳуқуқлар гаровида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятлардан ташқари, гаровга қўювчи:

гаровга қўйилган ҳуқуқнинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун зарур бўлган ҳаракатларни қилиши;

гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлишига ёки унинг қиймати камайишига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар қилмаслиги;

гаровга қўйилган ҳуқуқни учинчи шахслар томонидан бўладиган тажовузлар ва талаблардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чораларни кўриши;

гаровга олувчига гаровга қўйилган ҳуқуқда содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги, унинг учинчи шахслар томонидан бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни хабар қилиши;

ўз қарздорини ҳуқуқлар гарови содир этилгани тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Агар гаровга олувчи билан келишувда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидалар гаровга қўювчининг ҳуқуқий ворисларига нисбатан гаровга қўйилган ҳуқуқлар борасида қўлланилади.

23-модда. Кредитор талабларининг учинчи шахс томонидан қондирилиши оқибатлари

Кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда қондирган учинчи шахсга талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаган гаров ҳам ўтади.

24-модда. Депозитга ўтказиш йўли билан гаров тўғрисидаги шартномани бекор қилиш

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган пул мажбурияти ижросини қабул қилишдан воз кечганида тегишли пул нотариал идора ёки банкнинг депозитига ўтказилади. Агар депозитга ўтказилган сумма қарзни тўлиқ қопласа, гаров тўғрисидаги шартнома ўз кучини йўқотади.

25-модда. Учинчи шахс (мулкий кафил)нинг гарови билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги оқибатлари

Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлашга гаров берган учинчи шахс (мулкий кафил) ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилишидан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни бажаришга ҳақлидир.

Ундириш гаров нарсасига уни реализация қилиш йўли билан қаратилган тақдирда, мулкий кафил қарздордан унинг қийматини ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

26-модда. Ундирувнинг гаров нарсасига қаратилиши

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Юридик шахс—гаровга қўювчи қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошланишидан қатъи назар, ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига аниқ мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин.

Агар шартномада ёки қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмини бажарган тақдирда, гаровга олувчи гаровга қўйилган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб қолади.

Агар бир нечта ашё ёки ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, гаровга олувчи ўз хоҳишига кўра ана шу барча мол-мулк ҳисобига ёки ашёлар (ҳуқуқлар)дан бирортаси ҳисобига талабини қондириши мумкин, бунда у кейинчалик ҳам гаров нарсасини ташкил этувчи бошқа ашёлар (ҳуқуқлар) ҳисобига талабини қондириш имконини сақлаб қолади.

27-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиби

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганида;

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

28-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш

Ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган гаровдаги мол-мулкни реализация қилиш (сотиш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни ким ошди савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкни гаровга қўйиш билан таъминланган мажбурият бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди ҳамда қарздорни кредиторнинг кечиктириш даври мобайнида кўпайган зарари ва неустойкани ундиришдан озод қилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш нархи ундирув суд тартибида мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида энг юқори нархни таклиф қилган шахсга сотилади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

29-модда. Амалга ошмаган ким ошди савдосининг оқибатлари

Ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси қоидалари қўлланилади.

Такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий ким ошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

30-модда. Гаровга қўйилган мулкий ҳуқуқларни реализация қилиш

Мулкий ҳуқуқлар гаровида гаров нарсасини реализация қилиш гаровга қўювчининг гаровга қўйилган ҳуқуқдан келиб чиқувчи талабдан гаровга олувчи фойдасига воз кечиши орқали амалга оширилади.

Гаровга олувчи ундирувни гаров нарсасига қаратиш ҳуқуқи вужудга келган пайтда гаровга қўйилган ҳуқуқ суд тартибида ўзига ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

31-модда. Гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажариш ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш

Гаровга қўювчи мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ҳақли, гаровга олувчи эса, агар бу қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбурият моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан ёхуд бошқа одатда қўйиладиган талаблардан келиб чиқса, муддатидан олдинги ижрони қабул қилиши шарт.

Гаровга олувчи қонунда назарда тутилган ҳолларда, гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

32-модда. Гаровнинг бекор бўлиши

Гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

гаровга олувчи ушбу Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни қўпол равишда бузган тақдирда гаровга қўювчининг талаби билан;

гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, агар гаровга қўювчи ушбу Қонун 13-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса;

гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек ушбу Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган асослар бўйича уни реализация қилиш мумкин бўлмаган тақдирда;

гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда;

агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик бермаган бўлса, гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилган тақдирда;

даъво муддати ўтганлиги сабабли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича ўз талабларини қондириш кредитор учун мумкин бўлмай қолган тақдирда;

гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

II. ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ ГАРОВГА ОЛУВЧИГА БЕРИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ГАРОВ (ЗАКАЛАТ)

33-модда. Закалат тушунчаси

Гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчидан гаровга олувчи ихтиёрига бериладиган гаров—закалат деб эътироф этилади.

34-модда. Гаровга олувчининг гаровга қўйилган мол-мулк йўқолгани ёки шикастлангани учун жавобгарлиги

Гаровга олувчи, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини исботлай олмаса, ўзига бериб қўйилган гаров нарсасининг тўлиқ ёки қисман йўқолгани ёки шикастлангани учун жавоб беради.

Гаров нарсаси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи гаров нарсаси йўқолганлиги учун унинг ҳақиқий қиймати миқдорида, унга шикаст етказилганлиги учун эса—бу қиймат қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавоб беради.

Агар гаров нарсаси шикастланиш натижасида ундан бевосита ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, гаровга қўювчи ундан воз кечишга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли.

Шартномада гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолгани ёки шикастлангани туфайли етказилган бошқа зарарларни ҳам гаровга қўювчига қоплаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

35-модда. Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши

Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар — лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ломбард гаровга қабул қилган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади. Агар қарз ва бошқа харажатлар тўланганидан кейин тушум суммасининг қолдиғи бўлса, у гаровга қўювчига қайтарилади.

Ломбардлар томонидан

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 2-бетда).

фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ушбу Қонун ёки бошқа қонунлар билан унга берилган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

III. ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛК ГАРОВГА ҚЎЮВЧИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ГАРОВ. МУОМАЛАДАГИ ТОВАРЛАРНИНГ ГАРОВ НАРСАСИ

36-модда. Гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси

Корхоналар, бинолар, иншоотлар, квартиралар, транспорт воситалари ва ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгиланган бошқа гаров нарсалари гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Бўлакларга ажраладиган самара, агар у ажралиш чоғидан бошлаб учинчи шахс ҳуқуқлари объектига айланмаган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Гаров нарсаси гаровга олувчи қулфлаб қўйган ва унинг муҳри босилган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин.

Гаров нарсаси гаров тўғрисида далолат берувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин (қатъий гаров).

Гаровга қўювчи томонидан учинчи шахсга вақтинча эгалик қилиш ёки фойдаланишга бериб қўйилган гаров нарсаси гаровга қўювчида қолдирилган ҳисобланади.

37-модда. Ипотека

Гаров нарсаси кўчмас мулкдан иборат бўлган гаров ипотека деб эътироф этилади.

Ипотека белгиланган мол-мулк гаровга олувчига бериб қўйилмайди.

38-модда. Ипотека нарсаси

Ер билан боғлиқ мол-мулк—бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жой хоналари улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонун ҳужжатлари билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк ҳамда ер участкасига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган самара, маҳсулот ва даромадга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

39-модда. Ипотека тўғрисидаги шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш

Ипотека тўғрисидаги шартнома ёзма равишда тузилиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва рўйхатдан ўтказилади. Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмуни ўзгартирилган кейинги ипотекада, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик юритиш ҳуқуқи бу мол-мулкни пулли ёки бепул тасарруфдан чиқариш натижасида ёки ҳар томонлама ҳуқуқий ворислик тартибида гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтганида шартнома қўшимча равишда рўйхатдан ўтказилади. Мазкур талабнинг бузилиши мажбуриятда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, гаровга олувчи гаровга қўювчининг талабига биноан ипотекани рўйхатдан ўтказган органга реестрга тегишли ўзгартишларни киритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Гаровга олувчи мазкур талабни бажармаган ҳолларда гаровга қўювчи ундан бу мажбуриятни бажармаслик туфайли ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

40-модда. Бинолар ва иншоотлар ипотекаси хусусиятлари

Бинолар ёки иншоотлар ипотекасига фақат айни ўша шартнома бўйича бу бино ёки иншоот жойлашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлаб туришини таъминлайдиган қисмини ёхуд, бу участканинг ёки унинг тегишли қисмининг гаровга қўювчига тегишли ижарага олиш ҳуқуқини бир пайтнинг ўзида ипотека қилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Ер участкаси ипотекасида, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳуқуқи гаровга қўювчининг шу участкада жойлашган ёки қурилаётган бинолари ва иншоотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

41-модда. Корхоналар ёки ўзга мулкий мажмуа ипотекаси хусусиятлари

Корхона ёки ўзга мулкий мажмуанинг тўлиғича ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи барча мол-мулкка, кўчар ва кўчмас мулкка, талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқни қўшган ҳолда, шу жумладан агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотека даврида сотиб олинганларига нисбатан татбиқ этилади.

Хусусий мулкка асосланган корхоналарни ёки ўзга мулкий мажмуани ипотекага бериш мулкдор ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхоналар ёки ўзга мулкий мажмуа ипотекаси мулкдорнинг розилиги билан корхона томонидан амалга оширилади.

Гаровга қўювчи корхона гаровга олувчининг талабига биноан унга йиллик ҳисобот тақдим этиши шарт.

Корхона ипотекаси билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга олувчи корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан ипотека шартномасида назарда тутилган чора-тадбирларни кўришга, шу жумладан корхона раҳбар органларига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳамда корхонанинг бошқа мол-мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи чекланган вакиллар тайинлашга ҳақлидир.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган чоралар кутилган натижаларни бермаган ҳолда гаровга олувчи ундирувни ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган тартибда ипотекада турган корхонага қаратишга ҳақлидир.

42-модда. Муомаладаги товарларнинг гаров нарсаси

Хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар, товар заҳиралари, бутловчи буюмлар, тайёр маҳсулот муомаладаги товарларнинг гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Муомаладаги товарлар гаровида гаров нарсаси гаровга қўювчида қолади.

Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар қиймати пасайишига, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларнинг гарови билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи томонидан тасарруфдан чиқарилган муомаладаги товарлар қўлга киритувчининг мулкига, хўжалик юритишига ёки бевосита бошқарувига ўтган пайтдан бошлаб гаров нарсаси деб ҳисобланмайди, гаровга қўювчи қўлга киритган, гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товарлар уларга нисбатан гаровга қўювчининг мулк ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб гаров нарсасига айланади.

IV. ҲУҚУҚЛАР, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ГАРОВИ

43-модда. Ҳуқуқлар—гаров нарсаси сифатида

Гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятларидан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, хусусан ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги ва бошқа шахс фойдасига воз кечиш қонун билан ман қилинган ўзга талаблар ҳуқуқ гарови нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ўзга табиий ресурсларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонун ҳужжатларида белгиланган меъёр ва шартларда йўл қўйилади.

Муддатли ҳуқуқ унинг амал қилиш муддати тугагунга қадаргина гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўювчи ўз қарздорини амалга оширилган ҳуқуқлар гаровидан хабардор қилиши шарт. Агар шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчига нисбатан қарздор ҳисобланувчи шахс гаровга олувчи мажбуриятини бажариши лозим.

44-модда. Қарздорнинг гаровга қўювчи олдидаги мажбуриятларини бажаришининг оқибатлари

Агар гаровга қўювчининг қарздори гаров билан таъминланган мажбурият гаровга қўювчи томонидан бажарилгунга қадар ўз мажбуриятини бажарса, бунда гаровга қўювчи олган барча нарсалар гаров нарсасига айланади, башарти гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчи бу ҳақда гаровга олувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчи ўз қарздоридан мажбуриятни бажариш ҳисобига пул суммалари олишда гаровга олувчининг талабига кўра гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига тегишли суммаларни ўтказиши шарт.

45-модда. Қимматли қоғозлар гарови

Қимматли қоғозлар гарови тўғрисидаги шартнома ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда тузилади.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланган мулкий ҳуқуқ гаровида бу қимматли қоғоз, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчига ёхуд сақлаш учун нотариал идорага депозитга топширилади.

Гаров нарсаси ҳисобланувчи қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар, агар шартномада ёки қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчига тегишли бўлади.

Ушбу Қонун 19-моддасининг тўртинчи қисми, 21-моддасининг бешинчи қисми, 22-моддасининг учинчи қисми ва 42-моддаси қоидалари тақдим қилувчига тўланадиган қимматли қоғозлар гаровига нисбатан амал қилади.

V. ГАРОВДА ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

46-модда. Гаров тўғрисидаги шартноманинг ўзгармаслиги

Шартнома тузилганидан кейин қонун ҳужжатларида гаровга олувчининг ва (ёки)гаровга қўювчининг аҳволини ўзгартирувчи нормалар белгиланган ҳолда, гаров тўғрисида илгари тузилган шартноманинг талаблари унинг бутун амал қилиш муддатида ўз кучини сақлаб қолади.

47-модда. Гаровга олувчининг ва гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган асосларга биноан бекор бўлганида гаровга олувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш

Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси ҳисобланувчи мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи мол-мулкнинг давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (сотиб олиниши), реализация қилиниши ёки давлат мулкига айлантирилиши оқибатида қонунда белгиланган асосларда ва тартибда бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилади ёки тегишли товон тўланади. Бу ҳолда гаров ҳуқуқи эвазига берилган мол-мулкка ёхуд унинг товонига нисбатан жорий қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар давлат органининг гаровга қўйилган мол-мулкни ёки ҳуқуқларни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан гаровга қўйилган кўчмас мулк турган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор муносабати билан гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи бекор бўлган ёки гаровга қўйилган ҳуқуқлар бекор бўлган тақдирда жорий қилинади.

Гаров нарсаси ҳисобланган мол-мулк гаровга қўювчидан амалда бу мол-мулкнинг мулкдори бошқа шахс эканлиги асосида ёхуд жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда ана шу мол-мулкка нисбатан гаров бекор бўлади.

48-модда. Гаровга олувчининг гаров нарсасига бўлган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши

Агар давлат бошқарув органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларига номувофиқ ҳужжат чиқариши натижасида гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича гаровга олувчининг ҳуқуқлари бузилса, бундай ҳужжат гаровга олувчининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни чиқариш натижасида гаровга олувчига етказилган зарар тегишли — давлат бошқарув орғани ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Гаровга қўйилган мол-мулк ўзида турган ёки туриши лозим бўлган гаровга олувчи уни ўзганинг ғайриқонуний эгалигидан, шу жумладан гаровга қўювчининг эгалигидан талаб қилишга ҳақли.

Шартнома шартларига кўра ўзига ўтказилган гаров нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқи гаровга олувчига берилган ҳолда, у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишлари бартараф этилишини, бу бузилишлар эгаликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бўлса ҳам, талаб қилиши мумкин.

VI. ХАЛҚАРО МУОМАЛАДАГИ ГАРОВ

49-модда. Гаров тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланиладиган қонун ҳужжатлари

Гаров тўғрисидаги шартноманинг шакли, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг ижро этилиши ва бекор қилиниши, шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликнинг оқибатлари, талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш ва қарзни ўтказиш, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишувига кўра танланган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Гаров тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжати тўғрисида томонлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, гаровга қўювчи қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлса, ана шу мамлакат қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Кўчмас мулк гарови гаров тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжати тўғрисида томонлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шу мол-мулк турган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Ижро этиш усуллари ва тартиби, шунингдек лозим даражада бажарилмаган тақдирда кўрилиши керак бўлган чоралар борасида қўлланиладиган қонун ҳужжатларидан ташқари шартнома ижро этилаётган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари ҳам эътиборга олинади.

50-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ким ошди савдосида сотиш

Гаров тўғрисидаги ташқи савдо шартномасида томонлар гаров тўғрисидаги шартномани тузишда ёки кейин келишиб олиш асосида гаровга қўйилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ким ошди савдосида сотишни белгилаб қўйишга ҳақлидир.

Гаровга қўйилган мол-мулкни ким ошди савдосида сотиш тартиби ким ошди савдоси қайси давлат ҳудудида ўтказиладиган бўлса, ана шу давлатнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жойлашган гаровга қўйилган мол-мулк мамлакатдан ташқарида ким ошди савдосида сотилаётганда Ўзбекистон Республикасининг божхона оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бажарилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ГАРОВ ТЎҒРИСИДА

(Янги таҳрири)

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ТЕЗКОР ШАРҲ

ШАХТЁРЛАР НОРОЗИЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Россия оммавий ахборот воситалари маълум қилишларича, Россия шахтёрларининг иш ташлашлари ва темир йўлларни қамал қилишлари мамлакатдаги иқтисодий вазиятни кескинлаштириб юборганидан сўнг ҳукумат, хусусан Президент Б. Ельцин бу муаммо билан жиддий шуғулланишга киришди.

«Иш ташлаш муаммоларни билдиришда таъсирчан восита, аммо бу ҳаракат бугунга келиб оқилона меъёр доирасидан чиқиб кетди», деб таъкидлади ўзининг анъанавий радио орқали мурожаатида Президент Б. Ельцин. Федерал ҳукумат кўмир қазиб чиқарадиган минтақаларда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва таназзулдан чиқиб олишга кўмак беришда барча ишларни қилмоқда.

Айни пайтда Анжеро-Суженск, Транссиб, Ростов — Шимолий Кавказ темир йўллари шахтёрлар томонидан қамал қилиб турилибди. Юзлаб йўловчи ва 317 та юк составлари темир йўлларда «тиқилиб» қолган. Бу иқтисодиётга ҳозирнинг ўзидаёқ юз миллионлаб рубл зарар етказди. Президент Борис Ельцин кеча Кремельда мамлакат Бош прокурори Ю. Скуратов билан айнан шу масалани муҳокама қилди. «Бошқа одамлар манфаатига дахл қилувчи, айниқса, транспортга тегишли бундай ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди, бу Конституцияга қарши», деб ўз муносабатини билдирди Президент. Бу иш билан Бош прокурор албатта шуғулланиши лозимлигини ҳам алоҳида уқтирди.

Бош прокурор журналистлар билан суҳбатда, аввало ушбу иш ташлашларни келтириб чиқарган сабаблар жиддий ўрганилишини таъкидлади. Унинг фикрича, муаммога ишчиларнинг маошини ўз шахсий манфаатлари йўлида сарфлаган шахталар раҳбарлари айбдор. Ҳозир шахталар раҳбарларига нисбатан 10 та жиноий иш қўзғатилган.

Ҳукумат раисининг ўринбосарлари чет эл сафарларини қолдириб, кўмир қазиб чиқарувчи минтақаларга бориб, шахтёрлар билан учрашишмоқда. Жумладан, Борис Немцов Ростов — Донда бўлиб зудлик билан шахтёрлар маошлари берила бошлашини эълон қилди. Олег Сисуев эса Кузбассга ташриф буюриб, иш ташловчилар билан учрашди. У Кемерово вилоятига федерал нафақа фондидан 50 миллион рубл ажратилганлигини маълум қилди.

Президент Б. Ельцин шахтёрлар норозилигига умумий баҳо бериб, мамлакатдаги ҳозирги аҳволни шундай таърифлади: «Вазият таранг, аммо фожиали эмас».

Жалолиддин САФОЕВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **ЛОНДОН**. Халқаро амнистия ташкилоти ўзининг навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисобот муаллифлари Афғонистонда ижро этилаётган оммавий қатл ҳамда бошқа тан жазоларини кескин қоралаган.

● **ВАШИНГТОН**. АҚШ президенти Билл Клинтон Индонезия раҳбари Сухартонинг истеъфога чиқиши муносабати билан баёнот берди. Унда ёзилишича, Сухартонинг истеъфо бергани «Индонезияда ҳақиқий демократик ўтиш жараёнининг бошланиши учун имконият яратади».

● **ЯПОНИЯ**. Япония бош вазири Рютаро Хасимото Сухарто истеъфо берганидан сўнг ҳам Япония — Индонезия муносабатлари аввалгидай дўстона руҳда давом этажагини айтди. «Биз Индонезияда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун ёрдам кўрсатишни давом эттираверамиз, деб таъкидланади бош вазир баёнотида.

Маълумки, Индонезия Япония ҳукуматининг кафолатли ёрдамини энг кўп оладиган мамлакатлардан бири саналади.

(ЎзА)

ШАҲРИХОН ЭЛЕКТРОДЛАРИ

Шаҳрихон тумани марказида Ўзбекистон — Хитой «Ривож — Тяньжинь» қўшма корхонаси очилди. Корхонада жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарила бошланди. Улар республикамиздан ташқари Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам етказиб берилади. Корхона фойдаланишга топширилганлиги туфайли 150 дан кўпроқ киши доимий иш билан таъминланди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантурага қабул эълон қилади:

- Жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар;
- Халқаро ҳуқуқ;
- Глобал тараққиёт ва халқаро системаларнинг сиёсий муаммолари.

Ҳужжатлар 1998 йилнинг 31 майигача қабул қилинади.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 54, "В" корп., 422-хона.

Телефон (3712) 688377.

856

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

«Оҳангароншифер» ҲЖ ўз акционерларига шуни маълум қиладики,1998 йил 6 майда бўлиб ўтган акционерларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг 1997 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисидаги Кузатув кенгашининг ҳисоботини;йиллик балансни;даромадлар ва зарарлар ҳисоботини ("маъқуллаб" 150978 овоз берилган ёки мажлисда қатнашган акционерларнинг 100% ни ташкил этади); «Ин-Кор» аудиторлик фирмасининг текширув хулосасини ("маъқуллаб"148922 овоз берилган ёки мажлисда қатнашган акционерларнинг 98,6% ни ташкил этади)тасдиқлаб,1997 йил якунлари бўйича ҳар бир имтиёзли акцияга 300,5 сўм ва оддий акцияга 300,5 сўм миқдорида йиллик дивиденд тўлашга қарор қилди.Дивидендлар тўловини 1998 йилнинг 10 июнидан бошлашга қарор қилинди("маъқуллаб" 150798 овоз берилган ёки мажлисда қатнашган акционерларнинг 100% ни ташкил этади).

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАЛАНСИ

1998 йил 1 январь ҳолатига

МИНГ СЎМ.

АКТИВ	1997 йил 01.01. га.	1998 йил 01.01. га.	ПАССИВ	1997 йил 01.01. га.	1998 йил 01.01. га.
I. Узоқ муддатли активлар	*54970*	*83591*	*I. Ўз маблағлари манбалари*	*88663*	*188182*
II. Айланма активлар	*142389*	*315400*	*II. Мажбуриятлар*	*108696*	*198483*
БАЛАНС	*197359*	*398901*	*БАЛАНС*	*197359*	*398901*

1997 ЙИЛНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ.

МИНГ СЎМ.

№ т/р	Кўрсаткич тури	Ҳисобот даврида	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан
1.	*Маҳсулотни сотишдан тушган умумий молиявий натижа*	*153091*	*387925*
2.	*Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)*	*88688*	*246350*
3.	*Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари (фойда ёки зарар)*	*87690*	*245460*
4.	*Фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар)*	*87690*	*245460*
5.	*Ҳисобот йили бўйича соф фойда (зарар)*	*38365*	*123337*

1997 йил бўйича соф активларнинг баҳоси 83501 минг сўм.
1997 йил бўйича устав капитали ва заҳира жамғармаси қиймати 24626,6 минг сўм.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҲЖ Кузатув кенгаши.

686

Republican Trade and Exhibition Centre
UZEXPOCENTRE

МИНИТЕХ'98

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги
Сизни

"ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИХЧАМ УСКУНА ВА МИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР"

халқаро кўргазмасига таклиф этади.
Кўргазма 1998 йил 26—30 май кунлари РСКМ "Ўзэкспомарказ"да бўлади.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107.

Кўргазманинг ишлаш вақти:

сешанба	26 май	11.00-18.00
чоршанба	27 май	10.00-18.00
пайшанба	28 май	10.00-18.00
жума	29 май	10.00-18.00
шанба	30 май	10.00-18.00

681

Кириш бепул

АРАБ САВДО КЎРГАЗМАСИ

Барча учун очиқ

Ҳам кўп ... Ҳам яқинингда

Агар бутунлай янги, эътиборингизни бирдан жалб этадиган ва кутилмаган нарсаларни кўришни истасангиз

Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида шу йил 28 май — пайшанбадан то 31 май — якшанбагача бўладиган

АРАБ САВДО КЎРГАЗМАСИга

ташриф буюринг !

100 дан ортиқ ихтисослашган компания сиз билан ҳамкорлик ва тижорат қилишни истайди.

Маҳаллий фирмалар ҳам бу кўргазмада иштирок этишлари ва ундан ўзлари учун ўрин сотиб олишлари мумкин.

Маълумот учун тел./факс: (3712) 54-90-44.

NEW Fields
So much...so close

«Ўзэкспомарказ»,1-павильон.

Logo of UzExpo Centre

679

Ажойиб тақдирлар

ЁЗЁВОНЛИК ДЕРСУ УЗАЛА

• ЛАВҲА •

Ёзёвоннинг Сойбўйи ва Хонободидан чиққан полвонларнинг довруғи қадим замонларда Мовароуннаҳр сарҳадларидан ташқариларда ҳам маълум ва машҳур бўлган. Бу қишлоқлардаги ҳар икки эркакдан бирининг насабига полвон сўзи қўшиб айтилади.

Хонободда ўтадиган тўй-тўйчиқларда кураш берилмаса тўй ҳисобланмайди. Айтишларича ёзёвонлик полвонларнинг довруғи Қозоғистон даштларида овоза бўлиб, Хожи Муқон орқали Иван Поддубнийгача етиб борган экан.

Сойбўйилик Холмат полвон ҳам ана шу кураги ер силамаганлар силсиласининг сўнгги бўғинларида муқим ном ва шуҳрат топганлардан. Лекин, Холмат полвон анчадан бери кураш тушмайди. Эрта баҳорданоқ елкасига чориғи-ю, кетмонни илиб, қўлига ўроғини олиб чўлнинг ичкарисига отланиб кетади. Полвон чўлга чиқибдими, унинг ўнлаб ўғил-қизлари, ўттиздан зиёд набира-чевараларининг дастурхонидан суту қаймоқ, пишлоғу патир узилмайди деяверинг.

Холмат полвоннинг довруғини анчадан бери эшитиб юрардим. Айниқса, унинг таърифини ёзёвонлик ишбилармон, таниқли тадбиркор Ўктамжон Тошмирзаев ўрнига қўйиб ҳикоя қилиб беради. Холмат полвонга қизиқишим тобора ортиб юқорида айтган тадбиркоримиз, чўл қўйнида бунёд этган «Ўктамобод» деб аталувчи сўлим гўшага йўл олдим. Қаршимиздан чиққан Ҳожи бувадан Холмат полвонни йўқладим.

— Э,э, Холмат полвонми?! Ўтган ҳафта анча тоби қочиб қолган экан. Эски удум бўйича дуобод қилмоқчи бўлишибди. Хонадонига ташриф буюрдик. Полвоннинг анча мазаси йўқлиги кўриниб турибди. Ҳол-аҳвол сўраб маросимни бошламоқчи бўлган эдик, у бизни тўхтатиб, ўғилларига кетмон ва ўроқни олиб келиб, ёнига қўйишларини, шу асбоб-анжомлар билан маросимни ўтказишни қатъий талаб қилиб туриб олди. Дастлаб, ҳайрон бўлдик. Кейинчалик бу одамнинг ўта меҳнаткашлиги, бирор бир кунни ҳам бехудага ўтказмасдан, доимо далада юришини ҳисобга олиб, ўроқ ва кетмонни қўйиб дуобод қилдик. Яна қандай, ўроқ ва кетмон денг? Кетмоннинг бети-эни нақд ярим метр келади. Сопи билакдан йўғон. Ўроқнинг тиғи эса бир қарич чамаси. Қўлингизга олсангиз залворли. Маросим тугагач, Полвон хиёл кўзини очди. Ҳол-аҳвол сўрасак, берган жавобини қаранг: «Ҳа энди мана, кетмону ўроққа ҳам қувват кирди».

Бу суҳбатдан сўнг полвонга бўлган қизиқиш яна ҳам ортди. Уйига сўроқлаб борсак, чўлга чиқиб кетган экан. Ўктам ака билан у макон тутган «Сувоқова» бирлашмасининг ёрдамчи хўжалигини топиб бордик. Чўл бағридан тортиб олинган ерларга экилган шоли ўроққа кириб қолганлиги учун ҳам бошоқлар чўл шамолида солланиб, ажойиб манзара ташкил қилади. Даладагилардан Холмат полвонни сўраётган эдик, пайкалнинг охирини кўрсатишди. Бархан устига чиқиб полвонни қидирдик. Зовур бўйида полвон бир маромда ўт ўраяпти. Одатда ўроқчилар тиззалаб, ёки чўкка тушиб ўт ўришади. Полвон эса энгашганича бир маромда гўё юриб кетаётгандек ҳаракат қиларди.

Барханларни ошиб, зовурлардан ўтиб полвоннинг олдига етиб бордик. Олдимизда қўлида энлик ўроқ тутган, миқти гавдалик киши турарди. Қўллари, билакларига боқиб, бақувват бармоқлар, тошдек қаттиқ билакларда сир-саноатли қудрат яширингандек, жуссадан эса қарилик аломатлари эмас, кучга тўлган йигитнинг қиёфаси барқ уриб турарди.

Полвон эски қадрдони Ўктам ака билан омонлашиб, сўрашди. Каминани иззатлаб бармоқларимни икки қўли орасига олиб қаттиқ қисди. Оғриқдан бироз этим уюшгандек бўлди, лекин сир бермадим. Бармоқлар темир исканжани эслатарди. Полвон Ўктам акага ўзича ҳисобот берди. Зовур бўйига 400 боғ қамиш, қайсидир пайкал бошига 500 боғ, яна бир ерга 400 боғ, бугун эса 300 боғ атрофида ўт ўриб қўйибди. Ўктам акадан машина ёки прицеп топиб шу ўтларни қишлоққа олиб кетишда ёрдам беришни илтимос қилди.

Мен полвоннинг ҳаракатларини кузатаман. Нигоҳлар ўткир, ҳаракатлари кескин, 72 баҳорни қаршилаганига ишонгингиз келмайди. Бархан устига чиқиб, гурунг қилмоқчи бўлдик. Биз қумбарханларга тираниб, энтикиб, юқорига интиляпмиз. Холмат полвон эса ҳеч қийналишсиз, катта йўлда юргандек бир хил ҳаракат билан бархан чўққисига чиқиб боряпти. Тепага етай деб қолганимизда биздан ўзиб кетди. Дарров шох-шаббаларни, саксовул томирларини тўплаб, жой ҳозирлади.

Отанинг ҳикоя қилишича, бир кунда текис майдон бўлса, 300 боққача пичанни ўриб, боғлаб, ғамлаб қўяр экан.

— Агар ўроғимни яхшилаб бир селпиб урсам, бир боғ қамиш оёғим остига тушади. Қўйингки бир кунда жонимни куйдирмасдан ишласам, 400 боғ атрофида қамиш ўраман. Суҳбатлашиб ўтириб, елим идишдаги сувни ичиб тамомладик. Бўшаган идишни бархандан пастга отиб юбордим. Отахон менга ғалати қараш қилиб, пастга югуриб тушиб кетди.

Отахон пастга қандай югуриб тушиб кетган бўлса, шундай илдам ҳаракат билан барханнинг тепасига чопиб чиқди. «Ўғлим, чўлда ичимлик сув жуда азиз. Бу шишалар қишлоқдан сув олиб келишга қулай экан. Шунинг учун исроф қилмай дедим-да». У елим идишни нон, узум ва совуқ чой жойланган халтасига солиб қўйди.

Полвон бегона кишилар билан суҳбатлашишни унча хуш кўрмас экан. Шунинг учун ҳам Ўктам ака билан суҳбатларига аралашмадим. Лекин, унинг қиз-ўғиллари хонадонига неча боғдан қишлов учун ўт-ўлан ҳозирлаб берганлигини англаб олиш қийин эмас эди. «Энди эса ўзимга, ҳовлидаги ҳайвонларга қишлов учун хашак жамғаряпман. Қишловдан ортганини баҳорга чиқиб сўраб келганларга сотаман. Тирикчиликнинг айби йўқ».

Ота билан тушлик қилдик. Тезда дастурхонга фотиҳа тортиб, яна пайкал чеккасида ўт ўраётган жойга шошилиб кетди. У иш бошлаганида бевосита соатимга қараб қўйдим. Отахон хиёл эгилганича пешоналаридаги терни артишга вақтни қизғаниб, ишини давом эттирди. Орадан бир соат ўтиб, тин олгани ўтирди. Унинг орқасидан икки киши ўрилган ўтларни боғлаб кетяпти. Санаб чиқдик, қирқдан ошибди. Ҳар боғ қулочга сиғмайди. Мен шундагина отанинг бир кунда камида 300 боғдан ўт ўришига ишонч ҳосил қилдим. Вақт пешиндан ўтиб, қуёш уфққа бош қўяётган пайтда ҳам отахон тингани йўқ. Тез-тез орқасига ўрилган ҳашак тўпига қараб қўяди. Биз билан анча суҳбатлашиб қолганлиги учун ҳам бугунги «нормани» бажармаётганлигини яққол сезиш мумкин эди. Чўлда енгил шабада эса бошлади. Энди полвон оёқларини кериб олиб тез-тез ҳаракат қилар, ўроқнинг ўт чилпиши ҳам тезлашганди.

— Отахоннинг ғайрат-шижоати бизга ўрнак бўлди, — дейди шу ерларни ўзлаштириш ташаббускорларидан бири Шавкат ака.— Ростини айтсам, у кишининг меҳнатини навқирон йигитлар ҳам уддалай олмайди. Ақлимни танибманки, Холмат полвон чўлда. Биз билан бирга шоли етиштиради. Бир дақиқа ҳам тиним билмайди. Бу одамда бўш вақт деярли йўқ. Фақат ўзини эмас, фарзандларидан тортиб набираларининг уйигача ўт-ўлан, ем-хашак етказиб бериб туради. Кўпчилик ўғли Абдумалик аканинг нафақада эканлигига ҳам ишонмайди. Ёшини сўрасангиз ҳа энди, деб қўл силтайди.

Оқшом қоралаб қолганда, Холмат полвон биз билан қишлоққа қайтди. Камсуқум, фақат гап сўрасангиз жавоб беради. Энди барханлар тугаб, катта йўлга чиқаётгандик, полвон «эй, шофёр бола бир тўхтанг» деб қолди. «Ёқубни шолисига сув кириб кетибди. Ахир бугун- эрта ўроққа тушади-ку». У машинадан тушибоқ, сув ҳайқириб оқаётган каттагина ариқдан эпчиллик билан сакраб ўтди. Кетмон чўлда қолган экан. Бақувват қўллари билан сувни бекита бошлади...

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

SPORT СПОРТ

ЧЕМПИОНАТГА ЙЎЛЛАНМА УЧУН

Тошкентда хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Унда 12 шахматчи иштирок этди.

Шахматчилар Қозоғистон пойтахтида 1 июнда бошланадиган хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионатининг зона турнирида иштирок этиш учун тўртта йўлланмани олиш учун беллашдилар.

Тошкентлик Рена Мамедова билан Олга Ким тўққиз имкониятдан 8,5 хол тўплаб, биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олишди.

Самарқандлик ёш шахматчи Ирода Ҳамроқулова 8 хол тўплаб, учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида "Тасаввуф ва таассуб" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Анжуманда таниқли олимлар Н.Комилов, С. Олимов, М. Нуриддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, тасаввуф фалсафаси, мутаассиблик кўринишлари ва уларнинг ислом фалсафасидаги ўрни, ваҳҳобийлик тарихи масалаларига тўхталдилар. Мутаассибликнинг тарқалишига кўп жиҳатдан собиқ шўролар замонида халқимизнинг исломий тарбияси заифлашгани, миллий ва умумбашарий қадриятларга етарли аҳамият берилмагани сабаб бўлганига эътибор қаратилди.

(ЎзА)

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУР

ДУШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Таҳлилнома».

*

8.30 Лирик тароналар. 8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Жаҳон спорти». 10.15 Кино янгиликлари. 10.30 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабелла Транзистория-да». Бадиий фильм. 11.40 «Жараён». 12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти. 12.30—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ». 18.30 «Теннис-клуб». 18.45 «Олам ва одам». 19.05 «Ислоҳот ва инвестиция». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Истиқлолим, сени куйлайман». Мусиқий дастур. 21.30 «Бевосита мулоқот». 22.10 М. Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-қўй. 22.50 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги. 23.20 «Ахборот». 23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал. 19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида». 19.15 Мусиқий лаҳзалар. **19.25, 19.50 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Туризм ҳақида. 20.20 «ДЭНС». Жаҳон рақслари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Хайр, мактаб!». 21.10 «Олтин мерос». 21.35 Экранда премьера. «Саҳрои кабир сири». Телесериал. 22.25 «Даракчи» (рус тилида). 22.35 Оҳанглар ва эълонлар. 22.40 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал. 23.25—23.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.40

*

20.40 «Долзарб репортаж».

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Дунёкараш». Тележурнал.
22.00—22.20 «Ахборот»(рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». **19.05, 21.50 — Эълонлар.** 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 «Жаҳон». 20.15 «Чинор» видеоканали: «Дидар» «Рангинкамон» 20.55 Мусиқий танаффус. 21.00 «Умр баҳри». 21.20 «Спорт-тайм». 21.55 Кинематограф «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». 23.10—23.20 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қўшиғимда яшар муҳаббат». 9.00 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Олам ва одам». 10.55 Болалар учун. «Гулғунчалар». 11.15 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув. 11.30 Ўзбек куйларидан концерт. 12.05 «Турон тулпорлари». Спорт дастури. 12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Оромгоҳлар мавсумга шаймй?». 18.35 «Ҳунарманд». Тележурнал. 18.50 «Шеър ва шуур». 19.00 «Мулкдор». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ҳамкорлик истиқболлари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Олтин мерос». Н. Аҳмедова. 21.30 «Акс-садо». 22.00 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув. 22.20 «Диёр». Тележурнал. 23.20 «Ахборот». 23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 Ёввойи ҳайвонот олами. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Очун». 20.20 Шарқ эстарадаси. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўнгги қўнғироқ». 21.10 «Саҳрои кабир сири». Телесериал. 22.00 «Даракчи». 22.10 Спорт қитъаси. 22.40 «Кундалик». 22.50 Оҳанглар ва эълонлар. 22.55 Кинонигоҳ. 00.10—00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40

*

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Умр дафтари».
22.10 «Қора лола». Бадиий фильм (Франция).
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». 19.20 «Тасвир-98». 19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар». **19.55, 21.50 — Эълонлар.** 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 Мусиқий лавҳа. 20.50 «Медицина — сизлар учун». 21.15 Мусиқий лавҳа. 21.20 Телефакт. 21.30 Хит-коллекция. 21.55 «Кувноқ кино». 23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Гулшан диёрим». Мусиқий дастур. 8.55 «Бугуннинг ўйлари». 9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.25 Алифбо сабоқлари. 10.55 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». 11.15 «Соғлом авлод — соғлом миллат». 11.30 «Акс-садо». 12.05 «Ҳаёт чашмалари». 12.30 «Чемпион билан учрашув». 12.45 Кундузги сеанс. «Бембининг болалиги». Бадиий фильм. 14.10—14.30 «Маърифат маскани».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи». 18.25 «Таянч нуқтаси». 18.45 «Асрлар навоси». Мусиқий дастур. 19.05 «Ҳиммат». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 Бир жуфт қўшиқ. 21.30 «Сиёсат оламида». 21.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 5-қўй. 22.35 «Ахборот». **23.00 «Ёшлар» телеканали** 1. «Сиз ва биз». 2. «Оқибат». 3. «Ёшлар ва эстрада». 00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 Жаҳон халқлари эртаклари. 18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади... **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Толеънома». 20.15 «Кўл жанги санъати». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўнгги қўнғироқ». 21.10 «Хонадон». 21.30 «Саҳрои кабир сири». Телесериал. 22.20 «Даракчи». 22.30 «Нигоҳ». 22.45 Оҳанглар ва эълонлар. 22.50 Экранда — детектив. 00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 21.50

*

21.50 «Кўҳонди латиф ёдгорликлари». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.35

*

22.35 Эълонлар.
22.40 «Биз қандай дам оляпмиз?».
23.00—23.20 «Ахборот»(рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». **19.05, 21.35 — Эълонлар.** 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.00 «Спорт-лотто». 20.10 «Дунё ва болалар». 20.30 «Азизим». 20.55 «Автосалтанат». 21.05 «Дурдаршан». 21.40 «Олтин хазина». 22.50—23.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Наво таралсин». Мусиқий дастур. 9.00 «Бокира туйғулар». 9.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув. 10.30 «Янги алифбони ўрганамиз». 11.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 11.20 «Фаройиб ов». Мультфильм. 11.30 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув. 12.05 Болалар учун. «Ёш куч». 12.20 Кундузги сеанс. «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм. 13.35—14.00 «Кетмас давлат берсин».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 18.30 «Харита». Халқаро шарҳ. 18.45 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.05 «Ҳидоят сари». **19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Юзма-юз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Парламент соати». 21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Эстрада қўшиқлари телетанлови», Экранда — Сирдарё вилояти. 22.25 «Туркий қавмлар». 22.40 «Одамлар орасида». 23.05 «Ахборот». 23.30 «Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси. 00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури, 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур. 18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.55 «Бўш ўтирма». 19.15 «Дилнавоз садолар». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот (рус тилида). 19.55 «Бир жуфт қўшиқ». 20.05 «Табобат оламида». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўнгги қўнғироқ». 21.10 «Сир». 21.25 «Одобнома». 21.35 «Даракчи» (рус тилида). 21.45 Оҳанглар ва эълонлар. 21.50 Оилавий экран. 23.15—23.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40

*

20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади». Публицистик кўрсатув.
22.00—22.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «ТВ-ташриф». 19.25 «Минг бир маслаҳат». 19.35 «Дўстим ҳақида». 19.50 Клип. **19.55, 21.25 — Эълонлар.** 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув. 21.15 «Каталог». 21.30 «Киносалон». 23.00—23.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Дилнавоз садолар». Мусиқий дастур. 8.50 «Юзма-юз». 9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал. **10.00, 12.00, 14.00, 17.40 — Янгиликлар.** 10.05 «Талаб ва таклиф». 10.30 Немис тили. 11.00 «Меҳр макони». 11.20 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари». 11.45 «Харита». Халқаро шарҳ. 12.05 «Халқ ижодиёти». 12.30 Кундузги сеанс. «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм. 14.10—14.30 «Қишлоқ ҳаёти».

* * *

17.35 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 «Пахтакор». «Ўзкинохроника» премьераси. 18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). Танаффус пайтида — «Омонлик тилаймиз». 19.50 «Ахборот» (рус тилида). **20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.** 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 Халқ ҳофизлари куйлайди. 22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 6-қўй. 22.55 «Битик». 23.15 «Оила». Тележурнал. 23.45 «Ахборот». **«Мунаввар дунё» дам олиш дастури** 00.10 «Азиз сиймолар». 00.30 Бадиий фильм. 01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бугуннинг боласи». 18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал. 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.25 «Ёнмаган ёзувлар». **19.45, 20.10, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.50 «Ахборот» (рус тилида). 20.15 «Нозик мўъжиза». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўнгги қўнғироқ». 21.10 «Яхши дам олинг». 21.25 «Саҳрои кабир сири». Телесериал. 22.15 «Даракчи». 22.25 Оҳанглар ва эълонлар. 22.30 Саргузашт фильмлар экрани. 23.10 Бокс. Бокс. Бокс. 23.30—23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Кинофиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Оскар совриндорлари: «Тунда содир бўлган воқеа». Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот»(рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». **19.05, 21.40 — Эълонлар.** 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 «Уй остонадан бошланади». 20.25 «Наволарда аён этсам». 20.45 «Бу бўстон аро...». 21.10 «Дурдаршан». 21.45 Кинематограф. «Туш ўнгидан келди ёки чемодан» 23.00 Араб эстрадаси. 23.25 — 23.35 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах. 9.00 «Хайр, мунаввар даргоҳ». 9.40 «Шоҳруҳ» клуби. 10.00 «Зиёрат». **10.10 «Ёшлар» телеканали:** 1. «Шу Ватанга бордир менинг керагим». 2. «Мен билган, билмаган дунё». 3. «Сизга ўхшагим келади». 4. «Кувноқлар ва зукколар».

*

12.10 Кундузги сеанс. «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм. 13.35 «Ўйла, изла, топ!». Телебеллашув. 14.20 «Зийнат». 14.40—15.10 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Бизнинг азиз боболар». 18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув. 18.40 «Бахтли воқеа». **19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида). 20.15 «Жаҳон спорти». 20.30 «Ахборот». 21.00 М. Турғунбоева хотирасига бағишланган танлов ғолибларининг концерти. 22.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм. 22.45 «Ахборот». 23.10 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм. **«Тунги ёғду» дам олиш дастури** 23.55 «Мусиқий саёҳат». 00.15 Диққат, премьера: «Мерос». Бадиий фильм. 5-серия. 01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Кўрсатувлар дастури. 9.05 «Сир». 9.20 «Дилбарим». 9.40 «Спорт қитъаси». 10.10 «Сўз ва соз оҳанглари». 10.40 «Лавжой». Телесериал. 11.30 Дубляж. 11.50 Болалар экрани. 13.20 Шарқ эстрадаси. 13.35 «Нью-Йорк». Телесериал. 14.25 «Одамлар орасида». 14.45 «Эгиз қўшиқлар». 15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. 15.55 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз». 16.25 Бокс. Бокс. Бокс. 16.45 «Шарқ тароналари». 16.55 «Санта Барбара». Телесериал. 17.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.

*

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 «Даракчи». 18.10 «Боланинг тили». 18.30 Спорт қитъаси. 19.00 «Таянч». 19.15 «Қонун химоясида». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.15 «Гулдаста». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Сўнгги қўнғироқ». 21.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 21.30 Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Мафтункор чеҳралар». 22.00 «Даллас». Телесериал. 22.45 «Даракчи». 22.55 Оҳанглар ва эълонлар. 23.00 Кинонигоҳ. 00.20 — 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.30 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 — 22.25 «Шериф». Бадиий фильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40 — 12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Авторейд. 19.15 «Далил ва шарҳ». 19.30 «Рақслар қанотида». **19.55, 22.05 — Эълонлар.** 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Ассалом, Франция!». 21.10 «Осиё монитори». 21.30 «Бу ажиб дунё». 21.45 Хит-коллекция. 22.10 Киносалон. 23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Болалар учун. «Камалак». Азим Суюн. «Эзгулик ва ёвузлик» фильм-спектакль премьераси. 2-қисм. **10.00 «Ёшлар» телеканали:** 1. «Ватанимга хизмат қиламан». 2. «Ғазалхон ёшлигим». 3. «Дунё кўриб, дунёлар ярат». 4. «Балоғат бекати». 5. «Куйла, ёшлигим».

*

12.20 «Катта танаффус». Телевизион ўйин. 12.55 «Ҳазрати Инсон».
13.10 «Тасвирга кўчган кўнгил».
13.30—14.00 «Болалигим — пошшолигим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин. 18.30 Камолиддин Раҳматов куйлайди. 18.50 «Ўзспортлотто». 19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. **19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.** 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида). 20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов. 20.30 «Таҳлилнома». 21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури. 21.45 Телевизион миниатюралар театри. **«Аср мўъжизаси» кинодастури:** 22.20 Кино янгиликлари. 22.35 Истамбул. XVII Халқаро киноанжуман. 2-кўрсатув. 22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 23.15 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия. **00.20 Спорт дастури:** 1. Спорт. Спорт. Спорт. 2. Футбол тарихи. 3. Футбол майдонларида. 01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Кўрсатувлар дастури. 9.05 «Болалар кулгуси оламни тутсин!». 9.45 Саргузашт фильмлар экрани. 10.25 «Дойче Велле» тақдим этади... 10.45 «Лавжой». Телесериал. 11.30 «Нозик мўъжиза». 11.40 Болалар экрани. «ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ 13.10 Кўрсатувлар дастури. 13.15 Жаҳон халқлари эстрадаси. 13.35 «Нью-Йорк». Телесериал. 14.25 Интер-футбол. 15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. 15.45 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 16.05 «Бари ҳазил». 16.15 «Жосуслар». Хужжатли сериал. 16.45 «Мультипанорама». 17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Катта танаффус». 18.55 «Эътибор». 19.10 Келгуси ҳафтада. **19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.** 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида). 20.00 «Синфдош». 20.30 «Таҳлилнома». 21.05 «Сўнгги қўнғироқ». 21.15 «Даллас». Телесериал. 22.05 «Даракчи». 22.15 «Изҳор». 22.35 Миллионлар ўйини. 22.55 Якшанба кинозали. 00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.40 — 23.05

*

23.05 Эълонлар.
23.10 «Минг бир кеча». Дам олиш дастури.
23.30—23.55 «Таҳлилнома» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!». 9.30 «Парле ву франса?» 9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.45 Клип. **11.55 Эълонлар.** 12.00 «Жонли сайёра». 12.20 Клип. 12.30 Кундузги сеанс. 13.10 Клип. 13.20—13.40 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 «Мульттомоша». **19.00, 21.55 — Эълонлар.** 19.05 «Кобра». Телесериал. 19.45 Клип. 19.55 «Бугунги кун мавзуси». 20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз». 20.40 «Мусиқий Олимп». 21.00 «Coscom» ҳузурида. 21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари». 22.00 Киносалон. 23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

КОМПАНИЯ ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Ўзбектендерконсалтинг"агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлган ташкилотлар ўртасида 1998 йилнинг 3 чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун энг яхши шартномага танлов эълон қилади:

ҚАНД;
ЎСИМЛИК МОЙИ;
БОЛАЛАР ОВҚАТИ.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган ташкилотлар агентлик ҳисоб рақамига № 20296000103214033001 ABN-AMRO BANK,Тошкент МФО 00831 га 5000 (беш минг) сўм ўтказиб,танловда иштирок этишга оид ҳужжатларни олишлари мумкин. Ҳужжатларни олиш вақтида тўлов қоғози кўрсатилиши лозим.Танлов шартларини тарқатиш ва тендер талабномаларини қабул қилишнинг муддати 1998 йилнинг 11 июнигача.

Шартномалар танловга 12 июнь
14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади

Танлов якунлари 15 июнда эълон қилинади.

685

Мурожаат учун телефонлар:682436,682551,682628,682741.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1998 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРАГА:
(ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда)

- иқтисодий назария;
- молия, пул муомаласи ва кредит;
- бухгалтерия ҳисоботи, иқтисодий таҳлил ва аудит.

ДОКТОРАНТУРАГА:

- иқтисодий назария:
- молия, пул муомаласи ва кредит.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати шу йил 25 июнгача.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент, 700000, Якуб Колас кўчаси, 16. Тел: 68-54-77, 68-28-50.

683

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси нашриётнинг етакчи илмий муҳаррири Мовлуда ҒАФФОРОВАга волидаи муҳтарамаси
Иноят РАСУЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтотранс» давлат ҳиссадорлик корпорацияси раҳбарияти, корпорация кенгашининг аъзоси, «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори, профессор Жаббор Рўзиевга онаси
Майрамхон ая ИСМОИЛ қизининг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзавтотранс» корпорацияси бошқаруви девони «Йўловчи» акционерлик суғурта компанияси бош директори Восит Ражабовга қизи
Светлана РАЖАБОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-37-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 019, 35059 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

© МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.25* 1 2 3 4 5 6